

*“Ўзтрансгаз” АЖ
Акциядорларининг 2023 йил 7 августдаги
йиллик умумий йиғилиши қарори билан
“ТАСДИҚЛАНГАН”*

*“Ўзтрансгаз” АЖ
Акциядорларининг 2023 йил 7 августдаги
йиллик умумий йиғилиши
05/24-сон баённомасига
12.3-Илова*

“ЎЗТРАНСГАЗ” АЖ
ИЖРОИЯ ОРГАНИ ТЎҒРИСИДАГИ
НИЗОМ
(янги тахрир)

Тошкент – 2024 йил

МУНДАРИЖА:

1. Умумий қоидалар.
2. Акциядорлик жамиятининг Ижроия органини шакллантириш тартиби.
3. Акциядорлик жамиятининг Ижроия органининг ваколатлари ва таркиби.
4. Жамият Бошқаруви аъзоларининг жавобгарлиги.
5. Меҳнатга ҳақ тўлаш.
6. Якуний қоидалар.

1. Умумий қоидалар

1.1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни, “Ўзтрансгаз” АЖ (кейинги ўринларда – Жамият)нинг янги таҳрирдаги Устави, 2015 йил 31 декабрдаги Акциядорлик жамиятлари фаолияти самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича республика комиссиясининг 9-сонли йиғилиш баённомаси билан тасдиқланган Корпоратив бошқарув кодекси (2016 йил 11 февралдаги 02-02/1-187 рақам билан рўйхатга олинган), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 29.03.2021 йилдаги “2021 - 2025 йилларда давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш ва ислоҳ қилиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 166-сонли Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 апрелдаги “Тадбиркорлик муҳитини яхшилаш ва хусусий секторни ривожлантириш орқали барқарор иқтисодий ўсиш учун шарт-шароитлар яратиш борасидаги навбатдаги ислохотлар тўғрисида”ги ПФ-101-сонли фармони талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

1.2. Ушбу Низом Жамиятнинг ижроия органи мақомини белгилайди ва фаолиятини тартибга солади. Ижроия органини Бошқарув раиси бошқаради. Акциядорларнинг умумий йиғилишининг қарори билан ижроия органи ваколатлари шартнома асосида, шу жумладан танлов асосида тижорат ташкилотига (бошқарувчи ташкилотга) ёки яққа тартибдаги тадбиркорга (бошқарувчига) берилиши мумкин. Шартнома шартлари, агар Жамият уставида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, кузатув кенгаши томонидан белгиланади.

Ижроия органи кузатув кенгаши, акциядорларнинг умумий йиғилиши, Жамиятнинг устави ва ривожланиш режалари томонидан белгиланган вазифаларни бажариш учун ўз ваколатига кирадиган масалалар бўйича мустақил равишда қарорлар қабул қилади.

2. Жамиятнинг Ижроия органини шакллантириш тартиби

2.1. Жамият Кузатув кенгаши томонидан тайинланадиган Жамият ижроия органи Жамиятнинг жорий фаолиятини бошқаради.

2.2. Ижроия органининг раҳбари акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан сайланадиган Жамият Бошқарув раиси ҳисобланади.

2.3. Жамият Бошқаруви таркибига Бошқарув раиси, икки нафар биринчи ўринбосар, уч нафар ўринбосар ҳамда ҳорижий консултант кирадилар.

2.4. Жамият бошқаруви аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатларида, жамият уставида ҳамда уларнинг ҳар бири жамият билан уч йил муддатга тузиладиган шартномаларда белгиланиб, шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки уни бекор қилиш мумкинлиги тўғрисида ҳар йили қарор қабул қилинади.

Шартномалар жамият номидан кузатув кенгашининг раиси ёки кузатув кенгаши ваколат берган шахс томонидан имзоланади.

Жамият Бошқарув раиси сифатида тайинланган (сайланган) шахс сурункасига икки муддатдан ортиқ ижро органи раҳбари бўлиши мумкин эмас.

2.5. Агар Бошқарув раиси ва Бошқарув аъзолари томонидан қўпол қонунбузарликларга ёки Жамиятнинг йиллик бизнес-режасида тасдиқланган параметрлар бажарилишининг барбод бўлишига йўл қўйилган бўлса, кузатув кенгаши улар билан тузилган шартномани муддатидан олдин бекор қилиш ҳуқуқига эга.

2.6. Бошқарув раисини лавозимидан озод қилиш (ваколатларини бекор қилиш) тўғрисидаги қарор қонунчиликда белгиланган тартибда акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

2.7. Бошқарув аъзоларини лавозимидан озод қилиш (ваколатларини бекор қилиш) тўғрисида қарор Жамият кузатув кенгаши томонидан қабул қилинади.

2.8. Жамият Бошқаруви раиси ёки Бошқарув аъзолари билан тузилган меҳнат шартномаси муддатидан олдин бекор қилинган тақдирда, уларнинг мажбуриятларини вақтинча бажариш Жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан тайинланган шахс зиммасига юклатилиши мумкин.

2.9. Жамият Бошқаруви аъзоларини сайлаш (тайинлаш) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 январдаги ПҚ-4112-сонли “Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори талабларига мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 29.03.2021 йилдаги 166-сонли қарори билан тасдиқланган 2021 - 2025 йилларда давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш ва ислоҳ қилиш стратегияси талабларига мувофиқ, қоида тариқасида, хорижий мутахассислар иштирок этиши мумкин бўлган танлов асосида ўтказилади.

3. Жамият Бошқаруви ваколати ва таркиби

3.1. Жамият Бошқаруви ваколатига Жамиятнинг жорий фаолиятини бошқариш бўйича барча масалалар киради, акциядорларнинг умумий йиғилиши ёки кузатув кенгашининг мутлақ ваколатларига киритилган масалалар бундан мустасно.

3.2. Жамият Бошқарувининг мажбуриятлари ва ваколатларига қуйидагилар киради.

– берилган ваколатлар доирасида Жамиятнинг мол-мулки ва маблағларини тасарруф этишда иштирок этиш;

– Жамиятнинг таркибий бўлинмалари тўғрисидаги низомни, ходимларнинг лавозим йўриқномаларини тасдиқлаш;

– Жамиятнинг ички меъёрий ҳужжатларини тасдиқлаш, акциядорларнинг умумий йиғилиши ёки кузатув кенгашининг ваколатига кирадиган масалалар бундан мустасно;

- Жамиятнинг шўъба корхоналари, ваколатхоналари ва филиаллари учун мажбурий бўлган қарорлар, буйруқлар ва фармойишлар чиқариш;
- Жамиятнинг филиаллари ва ваколатхоналари тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш, уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;
- “Ўзтрансгаз” АЖ Бошқарув раисига “Ўзтрансгаз” АЖ “Ижроия орган тўғрисида”ги Низомда келтирилган меҳнатига ҳақ тўлаш тартиби амалга ошириш бўйича жамият қарорларни қабул қилиш ваколатини юклаш, жамият бошқарув фаолияти самарадорлигини баҳолаш натижалари бўйича мукофотлаш бундан мустасно;
- Жамиятнинг иштирок улушига эга корхоналарнинг таъсис ҳужжатларини тасдиқлаш, шунингдек уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;
- Жамиятнинг таркибий бўлинмалари ўртасида ўзаро самарали ҳамкорликни таъминлаш;
- Жамиятнинг ривожланиш дастурлари ва бизнес-режаларини ишлаб чиқиш, уларнинг бажарилишини ташкил этиш ва назорат қилиш;
- Жамиятнинг тасдиқланган ваколатли бошқарув органи томонидан белгиланган чегараларда фойда олинишини таъминлаш;
- амалдаги қонунчиликка мувофиқ, Жамиятда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг ташкил этилишини, уларнинг лозим даражадаги ҳолати ва ишончлилигини, тегишли органларга йиллик ҳисоботлар ва бошқа молиявий ҳисоботлар ўз вақтида тақдим этилишини, шунингдек акциядорлар, кредиторлар ва бошқаларга юбориш назарда тутилган Жамиятнинг фаолияти тўғрисида маълумотлар тақдим этилишини таъминлаш;
- Жамият кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси ёки аудиторининг талабига кўра молия-ҳўжалик фаолиятига оид ҳужжатларни тақдим этиш;
- мулкни сотиб олиш ёки уни бегоналаштириш бўйича берилган ваколатлар доирасида битимлар ёки мол-мулкни бегоналаштириш эҳтимоли билан боғлиқ битимлар тузиш (Жамият Бошқаруви бир қарорга келмаган ҳолларда битим тузиш масаласи Бошқарув қарори билан кўриб чиқиш учун Жамият кузатув кенгашига ўтказилиши мумкин);
- Жамиятнинг тижорат сирини ташкил этувчи маълумотларни муҳофаза қилиш. Жамиятнинг тижорат сирини ташкил этувчи маълумотлар рўйхати Жамият Бошқаруви томонидан белгиланади;
- Жамият акциядорларининг умумий йиғилишини ва кузатув кенгашини белгиланган муддатларда ўз ваколати доирасидаги ишлар ҳолати тўғрисида ахборот билан таъминлаш;
- акциядорларнинг умумий йиғилишида қатнашиш, дивидендларни ҳисоблаш ва тўлаш учун жамият акциядорларининг барча ҳуқуқларига риоя қилиш;

– ўз ваколатлари доирасида Жамиятнинг самарали ва барқарор ишлашини таъминлаш;

– Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатлари ва Жамиятнинг ички ҳужжатларига риоя қилиш.

Жамият Бошқаруви қонунчиликка, ушбу Уставга ва Жамиятнинг меъёрий ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга (ваколатларга) ва мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Бошқарув аъзолари ўз мажбуриятларини профессионал асосда бажарадилар, бу улар томонидан қонунлар, Устав ва Жамият бошқарув органларининг қарорларидан келиб чиқадиган барча мажбуриятларни оқилона бажаришда намоён бўлади.

3.3. Бошқарув раиси лавозим йўриқномаси, у билан тузилган меҳнат шартномаси шартлари, акциядорлар умумий йиғилиши, жамият кузатув кенгаши қарорлари билан белгиланган ваколат доирасида фаолият юритади.

Жамият Бошқаруви раисини моддий рағбатлантириш Жамият фаолиятининг самарадорлигига боғлиқ равишда амалга оширилади.

3.4. Жамият Бошқаруви раиси ушбу Низомга мувофиқ Жамият фаолиятидаги ўзгаришлар ва бошқа ҳолатлар муносабати билан Жамият Ижроия органига қўшимча номзодлар бўйича таклифлар киритиш ҳуқуқига эга.

3.5. Бошқарув раиси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

– Жамият номидан ишончномасиз ҳаракат қилиш, бошқа ташкилотлар ва органлар билан ўзаро муносабатларда унинг манфаатларини намоён қилиш;

– мол-мулк ва пул маблағларини Жамият Уставида ёки бошқа ҳужжатида назарда тутилган тартибда тасарруф этиш;

– шартномалар ва контрактлар, шу жумладан меҳнат шартномаларини тузиш;

- ишончнома бериш;

– банкларда жорий ва бошқа ҳисобварақларни очиш;

– ўзига бўйсунувчи барча ходимлар учун мажбурий бўлган буйруқ ва йўриқномалар чиқариш;

– Жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолиятини бошқариш;

– ходимлар штат жадвалини тасдиқлаш, унинг тўлдирилишини амалга ошириш.

3.6. Бошқарув раисининг мажбуриятлари:

– ўз ваколатлари доирасида Жамиятнинг жорий фаолиятини бошқариш, унинг самарали ва барқарор ишлашини таъминлаш, акциядорларнинг умумий йиғилиши ва кузатув кенгашининг мутлақ ваколатига кирадиган масалалар бундан мустасно;

- акциядорлар умумий йиғилиши ва кузатув кенгаши қарорларининг бажарилишини ташкил этиш;
- Жамиятнинг ишлаб чиқариш бирликлари, бошқармалари ва бошқа таркибий бўлинмаларининг самарали ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш;
- Жамиятнинг шартномавий мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш;
- ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳани ривожлантириш учун зарур бўлган миқдорда фойда олишни таъминлаш;
- Жамиятни ривожлантириш дастурлари ва бизнес-режаларини ишлаб чиқишни бошқариш, уларнинг бажарилишини ташкил этиш ва назорат қилиш;
- Жамият фаолиятида қонунчилик талабларига риоя этилишини таъминлаш;
- бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг ташкил этилишини, лозим даражадаги ҳолати ва ишончилигини, тегишли органларга йиллик ҳисоботлар ва бошқа молиявий ҳисоботлар ўз вақтида тақдим этилишини, шунингдек акциядорлар, кредиторлар ва бошқа ахборот олувчиларга юбориладиган Жамиятнинг фаолияти тўғрисида маълумотлар тақдим этилишини таъминлаш;
- кузатув кенгаши, Жамият тафтиш комиссияси ёки Жамият аудиторининг талабига мувофиқ Жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни монеликсиз тақдим этиш;
- тегишли органларга давлат статистика ҳисоботларининг тўлиқ ва ўз вақтида тақдим этилишининг таъминлаш;
- агар бундай ахборотларни учинчи шахсларга бериш унинг мажбуриятлари доирасига кирмаса, Жамиятнинг тижорат сирини ташкил этувчи маълумотларни сақлаш. Жамиятнинг тижорат сирини ташкил этувчи маълумотлар рўйхати кузатув кенгаши томонидан белгиланади;
- Жамият ходимлари томонидан расмий ёки тижорат сирини ташкил этувчи маълумотларнинг сақланишини таъминлаш;
- Жамиятни малакали кадрлар билан таъминлаш, Жамият ходимларининг билимлари, малакалари, тажрибаси ва қобилиятларидан максимал даражада фойдаланиш бўйича чоралар кўриш;
- меҳнат ва технологик интизомни сақлаш;
- Жамият ходимларининг ижтимоий кафолатлари ва меҳнат муҳофазасига риоя этилишини таъминлаш;
- ўз ваколатига тааллуқли ишларнинг ҳолати тўғрисида ҳисоботларни ўз вақтида акциядорлар умумий йиғилиши ва жамият кузатув кенгашига тақдим этиш;
- акциядорларнинг амалдаги қонунчиликда кўзда тутилган маълумотларни олиш, акциядорларнинг умумий йиғилишларида қатнашиш, дивидендларни ҳисоблаш ва тўлаш бўйича барча ҳуқуқларига риоя қилиш;

– ички ҳужжатлар, амалдаги қонунчилик ва бошқа меъёрий ҳужжатларга риоя қилиш.

3.7. Жамият Бошқаруви раисининг аниқ ҳуқуқ ва мажбуриятлари у билан тузилган шартномада олдиндан келишиб олинади.

4. Жамият Бошқаруви аъзоларининг жавобгарлиги

4.1. Агар Бошқарув аъзоси Жамият тарафлардан бири бўлган битимдан молиявий манфаатдор бўлса, у қарор қабул қилинишидан олдин ўз манфаати тўғрисида хабар беришга мажбур саналади ва ушбу масалани муҳокама қилишда ҳамда овоз беришда иштирок этмайди.

4.2. Бошқарув аъзолари ўзларига хизмат мавқеи билан берилган ҳуқуқлардан улар билан меҳнат муносабатлари бўлган юридик ва жисмоний шахсларнинг мақсадлари ва манфаатлари учун фойдаланмасликлари лозим.

4.3. Жамият Бошқаруви аъзолари Жамиятнинг мол-мулкани тасарруф этишдан шахсий фойда олиш бўйича ҳар қандай ҳаракатларга йўл қўймасликлари лозим.

4.4. Жамият Бошқаруви аъзолари ушбу лавозимда ишлаган даврларида фаолияти Жамиятга хизмат кўрсатишда қийинчиликлар туғдирадиган корхоналар таъсис этиш ёки таъсис этишда қатнашиш ҳуқуқига эга эмас. Бошқарув аъзоси Жамият Бошқаруви аъзоси лавозимига тайинлангандан сўнг шу каби корхоналардаги иштирокини тўхтатиб туриши ва бу ҳақда Жамият кузатув кенгашини хабардор қилиши шарт.

4.5. Жамият Бошқаруви аъзолари ўз функцияларини бажармаганликлари ёки лозим даражада бажармаганликлари натижасида Жамиятга етказилган зарар учун ва етказилган зарарни тўлиқ ҳажмда қоплаш учун Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилиги ва Жамият Уставига мувофиқ Жамият олдида жавобгар саналади.

4.6. Бунда овоз беришда қатнашмаган ёки Жамият зарарига сабаб бўлган қарорга қарши овоз берган Бошқарув аъзолари жавобгарликка тортилмайди.

4.7. Жамият ёки жамиятнинг жойлаштирилган оддий акцияларининг камида бир фоизига эгаллик қилувчи акциядор (акциядорлар) Жамият Бошқаруви аъзолари ёки Бошқарувнинг алоҳида аъзоси устидан Жамиятга етказилган зарарларни қоплаш тўғрисида даъво билан судга мурожаат қилиши мумкин.

4.8. Жамият Бошқаруви аъзолари ҳаракати (ҳаракатсизлиги) натижасида корхона манфаатларига етказилган ҳар қандай зарар, зиён, уларнинг оқибатида юзага келувчи жарима, пеня ва бошқа мажбурий тўловлар учун ушбу шахсларнинг субсидиар жавобгарлигини улар билан тузиладиган меҳнат шартномаларида қатъий белгиланади.

4.9. Агар жамиятнинг ижроия органи томонидан йирик битим ёки аффилланган шахслар билан битим тузиш тартиби бузилганлиги натижасида жамиятга зарар етказилган бўлса ва бунда жамият директорининг ёки бошқарув аъзоларининг ёхуд ишончли бошқарувчининг айби қонунчиликда белгиланган тартибда исботланса,

жамиятнинг кредиторлар олдидаги қарздорлигини қоплаш учун унинг мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда жамиятнинг мажбуриятлари бўйича субсидиар жавобгар бўлади.

5. Меҳнатга ҳақ тўлаш

5.1. Бошқарув аъзоларининг меҳнатига ҳақ тўлаш тартиби ва шартлари “Ўзтрансгаз” АЖнинг ижроия органига ҳақ тўлаш тартиби тўғрисидаги Низом билан белгиланади.

6. Яқуний қоидалар

6.1. Ушбу Низом Жамият бошқарувининг юқори органи томонидан тасдиқланган пайтдан бошлаб кучга киради.

6.2. Ушбу Низомда белгиланган тўловларни амалга ошириш билан боғлиқ низолар кузатув кенгаши томонидан кўриб чиқилади.

6.3. Жамиятнинг корпоратив бошқарув органларида низоларни ҳал қилишнинг имкони бўлмаган ҳолларда, ўзининг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатлари бузилган деб ҳисоблаган шахс Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда адлия органларига мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

6.4. Ушбу Низомга Жамият бошқарувининг юқори органи қарорига мувофиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

6.5. Агар ушбу Низомнинг айрим меъёрлари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига ва/ёки Жамият уставига зид бўлса, ушбу бандлар ўз кучини йўқотади ва бу моддалар билан тартибга солинадиган масалаларда мазкур Низомга тегишли ўзгартишлар киритилгунга қадар Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва/ёки Жамият уставининг амалдаги меъёрларига амал қилинади.